
Осиё чемпионатида зафар қучган қувалик ёш боксчи қизларимиз тантанали кутиб олинди

Аввал хабар берганимиздек, Иорданиянинг Амман шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Республикамиз терма жамоаси сафида иштирок этган фарғоналик боксчилар жами 6 та медални қўлга киритишди, 4 нафар боксчимиз Осиё чемпиони бўлишди!

Чемпионатда иштирок этган боксчиларимиз орасида қувалик қизларимиз ҳам борлиги қувонарли албатта.

Иорданияда ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда қизлар ўртасида туманимизда самарали фаолият олиб бораётган мураббий Мирахмат Мирзахалиловнинг шогирдлари Зилолахон Юсупова зафар қучиб, ғолибликни қўлга киритган бўлса. Ҳилолахон Машрабова бронза медали билан юртга қайтишди.

Қува тумани ҳокими Халимжон Умаров ҳамда сектор раҳбарлари чемпион қизларимизнинг ҳонадонларига ташриф буюриб уларни ғалаба билан муборакбод этдилар.

2022-03-17 21:40:11